

# КАТТА ЗАФАР МУБОРАНИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 НОЯНДАН ЧИКА БОШЛАГАН 21 ноябрь 1972 йил, сешанба № 273 (15.444). Ҳафтаси 2 тилла.

### ЯНГИ ПАХТА НАВЛАРИ ВА ПАХТА ТЕРИШ ТЕХНИКАСИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Ш. Р. Рашидов, Н. М. Матчинов, Н. Ж. Худойбердиев, Я. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахон, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов 18 ноябрь кунин С. Г. Зайцев номидаги пахта селекциеси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Фанлар ака-

демияси ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг тажриба базасини ва Ўрта Осий давлат машина синаш станциясини бориб кўрдилар. Пахта селекциеси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида республика раҳбарлари пахтанинг истиқболли навлари билан танишдилар. Биринчи тилдаги алоҳида қимматли тала берувчи ички талали пахта навларини етиштиришга тайёрларлик

масалаларига кўпроқ эътибор берилди. Институт директори Ш. И. Иброхимов, директорнинг илмий қисми бўйича ўринбосари А. А. Автономов, селекциачи Ю. П. Хуторной, ботаника лабораториясининг мудири У. Муродов изох бериб турдилар. Республикада пахта уруғчилигини яхшилаш борасидаги тақлифлар тўғрисида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Э. Т. Шайхов ахборот берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тажриба базасида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси селекциачи С. Мираҳмедов пахтанинг етиштиришга тайёрланган янги чидамли янги навлари ҳақида гапириб берди. Жуда серҳосил бўлган янги, виетна чидамли «Тошкент-4» нави катта қизиқ қиш уйғотди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси Н. Назиров ўзининг самарали ишлари натижасида етиштирилган пахта навлари билан таништирди.

Машина синаш станциясида янги пахта териш машиналари ва бошқа терим механизмлари ишлатиб кўрсатилди. Бу ерда станция директори И. Х. Эгамбердиев, пахта териш машиналари давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Е. М. Радеквич, «Ташсельмаш» заводининг директори И. Мусин изох бердилар.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрток Ш. Р. Рашидов кўрик қатнашчилари номида самарали меҳнат қилган селекциачиларга, конструкторларга ва саноатчиларга ташаккур айтди, булардан бўлган ишларида уларга муваффақиятлар тилади, пахта уруғчилиги ва машинасозлиги соҳасида бир қанча ақтуал проблемаларни ўртага қўйди, шу проблемаларни ҳал этиш устидаги ишни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Пахтанинг янги навларини ва пахта териш техникасини кўздан кечиришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, республика ва область ташкилотларининг маъсул ходимлари иштирок этидилар.

(ЎЗАТ).

### «ЛЕНИНИЗМ-ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ БАЙРОГИ»

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «СССРда социалистик ўзгаришлар тажрибаси ва унинг халқлар аҳамияти» деган мавзуда Тошкентда ўтказилган халқаро илмий конференцияда қилган докладыни алоҳида брошюра қилиб чоп этиди. СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган «Ленинизм — халқлар озодлиги ва тараққиёти байроғи» номидаги брошюра рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. (ЎЗАТ).

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик махсулотлари етиштириш ва таёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қарор қабул қилдилар.

1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик махсулотлари етиштириш ва таёрлашни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида илгир бригадалар, фермалар, колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси маъқулланди.

Чорвачилик ходимларининг республика мусобақаси галибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг 16 та Қизил байроғи таъсис этилди. Шулардан:

— Қорақалпоғистон АССРни ва областларни мукофотлаш учун — бешта Қизил байроқ, шу жумладан бир байроқ 10 минг сўм пул мукофоти билан, икки байроқ 5 минг сўмдан пул мукофоти билан ва икки байроқ 3 минг сўмдан пул мукофоти билан;

— Районларни мукофотлаш учун 11 та Қизил байроқ, шу жумладан икки байроқ 5 минг сўмдан пул мукофоти билан, уч байроқ 3 минг сўмдан пул мукофоти билан, олти байроқ 1000 сўмдан пул мукофоти билан.

Колхозлар, совхозларни ва бошқа давлат хўжаликларини мукофотлаш учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ва таёрлаш ишчилари ва хизматчилари касабаси союзлари республика комитетининг 54 та Қизил байроғи таъсис этилди. Қизил байроқлар билан мукофотланган хўжаликлар аниқ вақтда министрликлар белгилаган шартлар асосида мукофотлар (юк автомашиналари, енгил автомашиналар ва қолжаеги мотоцикллар) оладилар.

Чорвачилик ходимларининг республика социалистик мусобақасида галиб чиққан колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларини ва бригадаларини мукофотлаш учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ва таёрлаш ишчилари ва хизматчилари касабаси союзлари республика комитетининг фахрий ёрликларини таъсис этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинди.

Фахрий ёрлик билан мукофотлаш кўрсатиб ўтилган министрликлар ҳамда қишлоқ хўжалик ва таёрлаш ишчилари ва хизматчилари касабаси союзлари республика комитетининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, касабаси союз ва қишлоқ хўжалик органларига автоном республикада, областда, районда республика социалистик мусобақасида энг яхши кўрсаткичларга эришган ферма ва бригадаларнинг коллективлари, чорвачилик илгирлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг конкрет тadbирларини белгилаш топширилди.

Чорвачилик ходимлари республика социалистик мусобақасининг якунларини 1973 йил 1 июлгача бўлган аҳволга қараб, 1972 йил турлич қаватли ва 1973 йилнинг биринчи яримдаги кўрсаткичларига ҳисобга олган ҳолда чиқариш белгиланди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, партия, касабаси союз ва комсомол ташкилотларига Қорақалпоғистон АССР ва областларда колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, ферма ва бригадаларнинг коллективлари, колхозлар, совхозлар, районларнинг социалистик мусобақасини уюштириш юзасидан кенг оммавий-сийсий ишчи авж олдириб юбориш тақлиф қилинди.



### ЎРТОҚ МИХАИЛ АНДРЕЕВИЧ СУСЛОВГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сийсий, Коммунистик партия, Совет давлатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбобини етмиш бешта тўлган кунини таърифташ ва таърифлашнинг муносиб вақти келиб қолди.

Сиз бутун фаолиятингиз давомида, партия ва давлат ишларининг барча лавозимларида бутун кунингизни, билим ва катта таърифланган коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизмнинг буюк идеалларига фидокорона хизмат қилишга бағишлаб келмоқдасиз.

Аниқ дўстиямиз ва ўртоғимиз Михаил Андреевич, Сизга чин қўлғинамиздан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда партиямиз ва совет халқимизнинг бахт-саодати йўлида, коммунизм таптанаси йўлида бундан буён ҳам янада самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони  
СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ ЎРТОҚ  
М. А. СУСЛОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА  
ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛГА» ОЛТИН МЕДАЛИ  
БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида



### ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети Илгирларнинг қарорларини амалга ошира бориб, ҳамма жойда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги арафасида пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар.

Ўзбекистон деҳқонлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақаси кенг авж олдириб, пахтакор республикаларнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган партия-хўжалик айтиви Илгирлар партияга, ҳукуматга ва халққа КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Л. И. Брежневга юбилей йилида давлатга ҳамда 4 миллион 550 минг тонна пахта сотганиз, деб ваъда берган эдилар.

Республика пахтакорлари ҳозирги кунда Уларнинг социалистик Ватани учун зўр қувонч ва ифтихор туйғуларини билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига рапорт бериб, ваъдани шараф билан бажарди, мамлакатимиздаги қардош халқлар олдига ўзимизнинг интернационал бурчимизни адо этди, деб маълуф қилдилар. Ватан Ўзбекистонининг 4 миллион 600 минг тоннадан зиёд — давлат планида кўзда тутилгандан 610 минг тонна кўп пахта олди. Шунчалик кўп миқдордаги пахта биринчи марта йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ингичка толали пахта тайёрлаш плани охирига бажарилиди. Давлатга 200 минг тоннага яқин ингичка толали пахта сотилди. Ана шу катта меҳнат ғалабаси қаттиқ кураш жараёнида қўлга киритилди.

Бу йил пахтачилик учун об-ҳаво шароити жуда оғир келди. Баҳор фаслининг узоқ вақт салқин келганлиги, май ойида ва июнь ойининг биринчи ярмида дўл арашиш қаттиқ ёмғир ёққанлиги натижасида 760 минг гектар майдондаги гўза анча зарарланди. 260 минг гектар майдонга чингир анча кечиниб қайта экилди. Ез фасли ҳам салқин келди. Жами самарали ҳарорат 250-350 градус нам бўлди. Буларнинг ҳаммаси гўза ривожини кечиттирди ва ҳосилнинг лишиб етилишини одалтаганида 10-12 кун орқага сурди. Аммо пахтакорлар ийинчиликларини енгдилар. Улар гўза парварлигини кучайтирдилар ва табиатнинг стихияли кучлари таъйиқига бардош бериб, ҳамма жойда мўл ҳосил етиштириб, юксак натижага эришдилар — энг қулай келган 1970—1971 йиллардагидан ҳам кўпроқ пахта тайёрланди.

Бу йил республика пахтачилиги тарихида энг қўп янги ҳосил олингани билан бир қаторда, энг юксак ҳосилдорлик ҳам эришилди. 1 миллион 670 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 27,6 центнердан пахта олинди.

ПАХТА ФРОНТИНИНГ ДАРФАЛАРИ



ҚУВОНЧЛИ ЯҚУНЛАР

Қуёшли дёбримизда қувончли байрам келиб юрди: улкан давлат хирмониغا 4 миллион 600 минг тоннадан ортиқ — давлатимизнинг 600 минг тонна қўш ўзбекистон «оқ олтин»и етказиб берилди.

Юбилей йилдаги пахтамиз қўсагининг салмоғи вазири бўлди. Ленин бунга осонликча эришилмади. Шу бондан ҳам пахтакор жаҳоннинг соғуқ келиши ва қўзилиб кетиши, май-июнь ойларидаги дўл аралаш калалар, анчагина майдонда чигитнинг қайта экилиши, самарали ҳароратнинг етишмаслиги — буларнинг ҳаммаси гўзанинг ривожланишини кечтириб юборди.

Бирок дала меҳнатқашлари эсанкираб қолмадилар, табиий офатга қарши курашда жаҳоннинг уюшқонлиги ва маҳоратини рўйи қилиб, фидокорона меҳнат билан мўл ҳосил еттиштирдилар.

Пахта йигим-теримининг қизғин кунларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга ташриф буюргани билан фахрланамиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев пахтакорларнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар қўрсатганини омманнинг меҳнат гайратини ва сийсий активлигини бекиёс кучайтириб юборди, улкан пахта хирмони учун жанг-жадалнинг муваффақиятли ҳал этилишига катта таъсир қўрғатди.

Бугунги кунда биз шуни мамнуният билан қайд қиламизки, пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг юксак миқдоридан туриб берган ваъдани шараф билан бажардик.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида ҳамма бутун куч-гайратини тўла ишга солиб меҳнат қилди. Юбилей мажбурияти аниқой ишларда ўз ифодасини топди: Ватанга Андижон области меҳнатқашлари 578 минг тонна, Фарғона области 542 минг тонна, Сирдарё области 514 минг тонна, Бухоро области 425 минг тонна, Наманган ва Самарқанд областлари 421 минг тоннадан, Тошкент области 401 минг тонна, Сурхондарё области 384 минг тонна, Қашқадарё области 342 минг тонна, Хоразм области 326 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР меҳнатқашлари 255 минг тонна «оқ олтин» армуғини эгдилар.

Сирдарё областининг меҳнатқашлари тайёрлов пунктларида ҳалқ хўжалиги планига кўла тўтиладиган 146 минг тонна қўш. Қашқадарё области 106 минг тонна ортиқ, Андижон области 107 минг тонна қўш. Наманган области 73 минг тонна ортиқ, Фарғона области 72 минг тонна қўш, Тошкент области меҳнатқашлари 69 минг тонна ортиқ пахта етказиб бердилар.

Учқўрғон ва Оққўрғон районларининг пахтакорлари энг кўп миқдорда — деярли 100 минг тоннадан пахта еттиштирдилар. Мирозчул, Дўстлик, Ульёнов, Киров, Оқолтин, Избоскан, Илйч, Пахтакор, Боевут, Охунбобоев, Ушқўрғон, Балқич, Қўнирот ва бошқа районлар социалистик мажбуриятларини анча

Т. ОСЕТРОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раёсининг биринчи ўринбосари

ошириб бажардилар. Сирдарё областидаги Ленин номи, «Малик», «Правда» номи, Андижон областидаги «Октябрь» 50 йиллиги, Фарғона областидаги «Вешарин», Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Қашқадарё областидаги «Гулбоғ», «Носон» совхозлари, Бўя районидagi «Партия XX съезди», Пош районидagi Ленин номи, Ленин районидagi «Правда Востока», Юқори Чўриқ районидagi «Политотдел», Жиззах районидagi «Москв», Янгиқўрғон районидagi «Шарқ юлдузи», Қува районидagi Карл Маркс номи, Янгиёул районидagi «Коммунизм», Денов районидagi «Галаба» қолхозлари ва бошқа қўлаб хўжаликлар юбилей йилини юксак қўрсаткичлар билан яқулламоқдалар.

Ҳосил йигим-теримда шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнатқашлари, студентлар ва ўқувчилар катта ёрдам қўрғатдилар.

Ҳосилдорлигини оширишда ҳам юксак марра эгалладилар. Пахтачиликнинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта 1 миллион 670 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил қўтирилди. Олтинга область, салкам 40 район ҳосилдорлигида 30 центнерлик маррадан ошиб кетди. Ўн район хўжаликларини 35-40 центнердан ҳосил қўтиришти. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди. Республикамиз энг қимматли ишчи катта толали пахта тайёрлаш планини ҳам утдалади.

Бугунги кунда пахтакорнинг меҳнати тобора индустриал меҳнатга яқинлашиб бормоқда. Йигим-терим палласида 30 минг пахта терим машинаси жалон урди. «Занорги кема»ларда 2 миллион 100 минг тоннадан кўпроқ — ялпи ҳосилнинг 46 проценти терилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини ва аввало унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида доимо гамхўрлик қилиб келимоқдалар. Капитал маблағ сарфлаш йил сайин кўпайиб, техника билан таъминлаш даражаси ошмоқда. Суғориладиган деҳқончиликни кенгайтириш, пахтачиликни интенсив ривожлантириш ваифалари ҳал этилмоқда. Урушдан кейинги даврнинг ўзидagina 1 миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотида киритилди, салкам юз минг километр суғорилиш ва мелiorация каналлари қазилди. Марказий Фарғона, Мирозчул, Қарши чўлилари, Сурхон-Шеробод ва Зарафшон vodiylarига ҳужум давом этмоқда.

Пахта — ифтихоримиз, ҳаммамизнинг умумий ишми. Йил сайин Ватанга қўлаб қўлаб етказиб бериш республикамиз барча меҳнатқашларининг юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчи, барча партия, совет, касабаси союз ва комсомол ташкилотларининг, барча министрликлар ва идораларнинг жонажон ишидир. Моҳир деҳқонларимиз, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари,

машинасозлар, химиклар, авиаторлар, фан ва маданият аробларининг қаҳрамонна меҳнати, партия ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътибори ва гамхўрлиги аниқой самаралар бермоқда. Бу ерда шуни айтиш юфойки, агар 1924 йили республикамизда 209 минг тонна «оқ олтин» етиштирилган бўлса, СССРнинг олтин юбилейи ишловланадиган йили «оқ олтин» хирмонимиз 4 миллион 600 минг тоннадан ошиб кетди.

Далаларнинг меҳнатқашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, деҳқончилик маданиятининг бутун чоралар билан оширилиш, гўза парварлишда прогрессив технология жорий этиш, ирригация, химиялаштирилиш ва комплекс механизацияни ривожлантирилиш, маҳсулот бирлигини сарф-харажатини нақайтирган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин қадар кўпайтиришдан иборат қатъий йўлни амалга оширмоқдалар.

Қолхозлар ва совхозлар илмий асосланган пахта — беда аймақлар экинчи жорий қилиш юзасидан далад қамал ташладилар. Кейинги икки йилнинг ўзидagina суғориладиган ерларда беда майдони 36 процент ошди, 380 минг гектарга етди. Бу ҳол экин майдонларининг структурасини анчагина яхшилади, еригич унумдорлигини оширди, чорвачиликнинг озука базасини мустаҳкамлади.

Пахтанинг офати бўлган вилт тобора чекинмоқда. Бундан уч-тўрт йил илгари бу офат ҳосилга жиддий зарар келтирди. Селекционерларнинг коллектив изланишлари сезиларли натижа берди: вилтга чидамли, юқори ҳосилли пахта навлари етиштирилди. Бу йил салкам бир миллион гектар ерга шу навли қитилар экилди. Тўғри аймақлар экинчи жорий этиш, агротехникани яхшилаш, навларини янгилаш вилт офатини кескин камайитди.

Химия тобора кўпроқ мўл ҳосил етиштиришга хизмат қилмоқда. Қўлгина хўжаликлар минерал ўғитлардан юқори самарали фойдаланишга эришдилар: улар экинга солинган ҳар килограмм азот ҳисобига 17 килограммдан кўпроқ пахта етиштирмоқдалар.

Маҳаллий ўғитдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу йил ўтган йиллардига нисбатан анча кўп қимматли ва гўнг ерга солинди. Бошқа химиявий воситалар ҳам ҳосилдорликни ошириш ва пахтакорларнинг меҳнати енгиллаштиришга тобора кўпроқ таъсир этмоқда. Бу йил 500 минг гектардан кўпроқ майдондаги гўзага гербицид солиниб, қариб бир ярим миллион гектар пахтазор аниация ёрдамида дефолиация қилинди.

Механизация — пахтачиликнинг ойдин йўли. Машиналарга пахтазорларда кенг йўл очиб қўйилганини бугунги кунда биз фахр билан тила оламиз. Ҳосил йигим-теримда салкам 50 мингта пахта терим ва қўсақ узиш машиналари, механик подборшчилар ва кўрак чувиш машиналари, 60 миңдан кўпроқ трактор тележалари, минг-миңлаб механик поғрузчиқлар ишлатилди. Ҳатти минг механик-ҳайдовчи миллионлаб теримчиларнинг ўрнини босди, юз миллион сўмлаб пўл маблағларини тежаб қолди.

Замонавий техника дала ишларини ташкил этишни тубдан ўзгартириб юборди. Пахтазор — машина — трицеп — тайёрлов пункти конвейери узлуқсиз ишлаб турди. Шуниси характерлики, терилган пахтанинг «оғи» пўйига боргучча ҳам «ерга тегадир», ишларда уюлиб ётмади. Бу эса пахтанинг сифатли бўлишини таъминлади.

Бу йилги йигим-терим мавсумида уюшқонлик, юксак суръат шу даражада бўлдики, республикамизда совхозларни икки ҳафтадан кўпроқ вақт мобайнида тайёрлов пунктларига

Table with 4 columns: Name, Position, and Photo. Includes names like Умарбекова, Шеробод, Абдусаттор Курбонов, А. Тўраев, Р. Самдов.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

(Боша 1-бетда).

бердилар. Қашқадарё областидаги хўжаликлар ҳалқ хўжалик планини республикамизда биринчи бўлиб бажардилар ва давлат планидан тапқори 106 минг тонна, Андижон областидаги қолхоз ва совхозлар 107 минг тонна, Наманган областидаги қолхоз ва совхозлар 73 минг тонна, Фарғона областидаги қолхоз ва совхозлар 72 минг тонна, Тошкент областидаги қолхоз ва совхозлар 69 минг тонна пахта топширдилар.

Республикамизнинг кўпчилик районлари мўл ҳосил етиштирдилар ва юбилей йилда олинган мажбуриятларини бажаришда катта муваффақиятларга эришдилар. Учқўрғон ва Оққўрғон районларининг хўжаликларини давлатга қарийб 100 минг тоннадан, Ўрта Чўриқ, Янгиёул, Пахтакор, Охунбобоев, Киров, Қува, Ленинград, Чуст, Андижон, Балқич, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Москва, Нарпай, Қорақул, Денов ва Янгиарқон районларининг хўжаликларини 60 минг тоннадан ва бундан ҳам ортиқ пахта сотдилар.

Гўзор, Ульёнов, Мирозчул, Дўстлик, Избоскан, Ленин, Турақўрғон, Пош, Қўнирот, Гўждувон, Сарисиев, Самарқанд ва Жиззах районлари ҳалқ хўжалик планини бажарганиликлари тўғрисида ўз олабларига биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Республикамизда гўза вилт билан кураш соҳасида кўп иш қилинди, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, илмий жиҳатдан асослаб берилган пахта-беда аймақлар экинчи жорий қилиш ва пахтанинг вилтга чидамли навларини экин борасида жуда катта тадбирлар амалга оширилиши таъминланди. 2, 3 йил навлари мисли қўрилмаган қисқа вақт ичида — уч йил мобайнида кўпайтирилди. Бу йил 830 минг гектарга яқин ерга ана шу навлар экилди.

Минерал ва маҳаллий ўғитлар, гербицидлардан ва бошқа химиявий воситалардан фойдаланиш анча дўшланди. Республика механизаторлари аниқой ғалабани қўлга киритдилар. Улар юбилей йили шарафига олинган мажбуриятларини ортиқ билан бажариб, 2 миллион 100 минг тонна пахта, яъни бутун ҳосилнинг 46 процетини машиналарда териб олдилар.

Хўжаликларнинг техника билан юксак даражада таъминланганлигини, яхши тайёрланган механизатор кадрлар катта оғраданинг вуқуда келтирилганини пахтачиликда меҳнат унумдорлигини йил сайин ошириш, ҳосил йигим-теримини анча жадаллаштириш имконини бермоқда.

Шу мавсумда республикамизнинг пахта далаларида 50 мингта яқин пахта терим ва кўрак чувиш машиналари, механик-подборшчилар ва кўсақ чувиш машиналари, 60 мингта трактор трицепи, неча миңлаб механик поғрузчиқлар ишладилар.

Айрим кунларда тайёрлаш пунктларига 136 минг тоннагача, яъни планнинг 3 процетидан ортиқ пахта етказиб берилди, Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Наманган областларида эса ҳар кунини планнинг 4 процети миқдоридан пахта топширилди.

кор, Оқолтин, Дўстлик, Илйч районларида ва бошқа бир қанча районларда 80 процетдан ошиб кетди. «Малик», «Гулбоғ», Ўзбекистон ССР беш йиллиги номи совхозлари ва бошқа қўлгина қолхоз ҳамда совхозлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олдиди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахта терим ва тайёрлаш суръатларини жадаллаштиришда, терим мuddатларини гўнг қисқарттиришда ҳал қилувчи роль ўйнади ва пахтанинг илмий етилиши анча кечиниб қолмишига қарамай давлатга пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятни мuddатидан илгари бажариш имконини берди.

Механик ҳайдовчилардан Х. Полвонов, Т. Дадажонов, А. Курбонов, Т. Тожибоев, К. Эргашев, Ф. Раҳмоқулзаде, Ш. Тўхтаева, Ж. Кўчиев, Р. Охундова, Ч. Хўжаева, М. Бўстонова, К. Холматов, А. Рустамова, С. Продав, А. Валдиев, ана-ука Шодиевлар ва бошқа кўп механизаторлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари бўлиб Ўзбекистон ССР беш йиллиги толали совхоз-механизаторларининг маъмулгина жавабдан юбилей вахтасида ишлаб бопладилар ва мавсумда 350-600 тонна ва бундан ҳам кўп пахта илмий машинада териб олдидлар.

Шаҳар ва посёлкаларнинг меҳнатқашлари, студентлар ва ўқувчилар ҳосилни йигиб-териб олишда катта ёрдам бердилар.

Аввало, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати «Пахтачиликнинг доим ривожлантирилиш тўғрисида ҳамма қилаётган гамхўрлиги кўлга киритилган муваффақиятларини маънаб бўлди. Суғориладиган деҳқончиликни кенгайтириш ва пахтачиликни интенсивлаштириш масалалари партиянинг XXIII ва XXIV съезлари, КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қарорлари асосида ҳар томонлама ҳал этилмоқда. Қишлоқ хўжалигига яратиб берилаётган капитал маблағлар миқдори йил сайин кўпаймоқда, қишлоқ хўжалик техникаси ва минерал ўғитлар тобора кўп етказиб берилмоқда.

Ҳар томонлама қўрсатилган ана шу ёрдам, пахтакорларнинг қаҳрамонна меҳнати ва юксак маҳорати, партия, совет, касабаси союз, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларининг кенг қўламадаги ташкилотчилик ва сийсий ишлари республикамиз пахта

етиштиришини йил сайин кўпайтира бориш учун имконият вуқуда келтирилмоқда.

Пахтакорларнинг ғалабаси қолхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг, қишлоқ район партия комитетларининг кенг қўлама олоб борган ишлари натижасида қўлга киритилди. Улар бошқа партия комитетларининг раҳбарлигида меҳнат мусобақасида омманнинг бевосита ташкилотчилари бўлмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиллигини чағирганили ва бу йилгида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қатнашганили бу йилги муваффақиятларини қўлга киритишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу йилгида пахтакорларнинг меҳнатига юксак баҳо берганили, маслаҳат ва йўл-йўриқлар қўрсатганили омманнинг меҳнат гайратини ва сийсий активлигини янада кучайтириб юборди, юбилей йилининг улкан хирмони учун курашда муваффақият юзасида самарали таъсир қилди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатқашлари қўла қиритилган ғалаба тўғрисида рапорт бериб, пахтачиликни юксалтиришда катта ёрдам берганиликлари учун улуғ рус халқига, мамлакатимиздаги барча қардош халқларга, илйчлар сийсий самий ташаккур изҳор қилдилар.

Барча қардош республикалардаги машинасозлик ва химия соносининг ходимлари Ўзбекистон қолхоз ва совхозларини машиналар, запас қисмлар, ўғит, дефолицид билан ва бошқа моддий-техникавий воситалар билан таъминлаб турдилар. Автотранспорт ходимлари ва гражданд авиацияси унумчилари кенг қўламада авиация-химиявий ишлари бажариб, катта ҳисса қўшдилар.

Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг коллективлари пахта илмий қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги ишларни пухта уюштирдилар.

Далалар ва фермаларнинг меҳнатқашлари ССР Иттифоқи ташкил топган кўнинг 50 йиллигини муносиб нишонлашга иштирок, қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Давлатга 440 минг тоннадан ортиқ — давлат планининг 131 процети миқдоридан, дош, шу жумладан 177 минг тонна — давлат планининг 127 процети миқдоридан шолни сотилди. Бу

йил дош экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Хоразм областидаги қолхоз ва совхозлар ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 48 центнердан шолни олдидлар, шу областдаги, Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё ва Тошкент областларидаги кўп хўжаликлар эса гектар бошига 50-60 центнердан шолни етиштирдилар.

Дон учун экиладиган маккажўхори майдонлари анча кенгайтирилди, биринчи марта 100 минг тоннага яқин маккажўхори дони йиғиштириб олинди. Кўп хўжаликлар гектар бошига 70-80 центнердан дон йиғиштириб олдиди.

Уч миллион тоннага яқин мева ва сабзавот маҳсулоти етиштирилди. Сабзавот ҳарид қилиш планини 120 процет, ревазор экинлар ҳарид қилиш планини 140 процет, мева ҳарид қилиш планини 142 процет, узум ҳарид қилиш планини 115 процет, картошка ҳарид қилиш планини 102 процет, каноп поясини ҳарид қилиш планини 112 процет, пилла ҳарид қилиш планини 125 процет, қоракўл тери ҳарид қилиш планини 111 процет, жуз ҳарид қилиш планини 100 процет бажарилди. Чорвачилик гўнг юксалиб бормоқда. Гўшт, сўт ва туҳум етиштириш ҳамма ҳарид қилиш йиллиги планларини мuddатидан илгари ошириб бажарилиди. Чорва мез ва паррандалар барча турларини, урчиқ, қўпайтириш планлари муваффақиятли бажарилмоқда, чорва моллар маҳсулоти ортиқ ошди. Озуға етиштириш ва тайёрлаш планлари анча ошириб бажарилди.

Қишлоқ меҳнатқашлари кўзги дала ишларини тугаллаб, яъни қишлоқ хўжалик йиллиги тағйирларини қўрмоқдалар, дала ишларининг сифатини яхшилаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун қўшнич резервларини қиндириб тошмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг октябрь ойда бўлиб ўтган VIII пленуми қолхоз ва совхозларнинг пахта етиштиришини ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини муҳокима қилди. 1974 йилдаги етиштирилган пахта илмий 5 миллион тоннага етказиб, беш йиллигида шолни ва картошка дўш ҳосилни икки баравар ошириш, ҳусусан суғориладиган ерларда дон етиштириш ва ҳарид қилишни, сабзавот, ревазор экинлар, мева ва узум етиштиришни кескин суръатда кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланади.

КПСС XXIV съезди олдимиғга қўйган буюк ваифалар деҳқонларини ва чорвадорларини фидокорона меҳнатга илҳомлантирмоқда. Республика қишлоқ хўжалик меҳнатқашлари КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети ва ВЦПСнинг «1972—1973 йил иши фақлида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини астойдил маъқуллаб, чорва мол қишлоқини муваффақиятли ўтказиш, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, кўзги-қиниша дала ишларининг ҳаммасини намунали бажариш учун, келгуси йилда янада юксак натижаларга эришмоқ учун курашини кенг авж олдириб юбордилар.

Ўзбекистон меҳнатқашлари ўз социалистик Ватанлари билан фахрланиб, жонажон Коммунистик партияга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тўла-тошган ҳолда ССР Иттифоқи таъкил топган кўнинг 50 йиллигини кутлаб олмақдалар. Улар мамлакатимизнинг буюк ғалабаларини илҳомлаб, коммунизм улуг юларининг тантанаси йилда фидокорона меҳнат қилишга астойдил аҳд қилганлар.



РЕСПУБЛИКАМИЗДА «Оқ олтин» тоғлари қўзларини қамаштиради. Булар Ўзбек деҳқонининг мардондор ва жасоратли меҳнати туғайли бунёгга келди. Суратда: республикамиздаги олтин тоғлардан бири тасвирланган. А. Абалин фотоси.



Уттир РАШИД  
ЯНГИ ҚУШИҚЛАР  
**ДАЛА  
КЎРКИ**

Қизлар кийса атлас кўйлак  
Бирим ярашар,  
Янгиларга жон қиради —  
Суқли қарашар,  
Қизлар Янгит бахти, Ватан —  
Кўри, чиройи,  
Хар ишда ҳам, турмушда ҳам  
Гўзал, киройи,  
Қизлар келиб, қизлар ҳусни  
Кирди чўлга ҳам,  
Қизлар тушиб файз кирди  
Олтин кўлга ҳам.

Бирини рудла, бирини қўла  
Терар оппоқ дур,  
Водий тўлиб нур оқади,  
Нур оқади, нур,  
Нурга чўшиб очилди  
Қизлар жамоли,  
Янгит, қизлар пахтазорининг  
Кўри, намоли.

**ЧОРВАДОРЛАР  
КЕНГАШИ**

**ФАРҒОНА.** («Совет Ўзбекистон» муҳбиридан). Бу ерда область чорвадорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, райком раислари, колхоз, совхоз раҳбарлари ва чорвачилик мутахассислари иштирок этган кенгашда область партия комитетининг бажариш секретари Ф. Шамсутдинов «КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Вутунитифонидан» социалистик мусобақасини аниқ олдирди. Чорвадорларнинг бажариш ҳақида доклад қилди. Кенгаш чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани янада кенгайтириш юзасидан кенгаш ташаббуслари белгилади. Кенгаш қатнашчилари область чорвадорларига мурожаат қилди.

**ФЕРМАЛАРГА —  
ВИТАМИНЛАШТИРИЛГАН УН**

Республика хўжалиқлари ўт талқони ишлаб чиқариш йиллик планини бажарди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ўзининг набағдаги маълумотида хабар берди. Колхоз ва совхозларда моллар учун ўтга йилнинг шу вақтидаги қисбатан саккиз минг тонна юн — 36 минг тонна қимматли витаминлаштирилган ем тайёрланди.

Юксак унумли кучли курити аппаратларидан фойдаланган Қашқадарь областининг хўжалиқлари беда талқони тайёрлашда тоширигининг салкам уч баровар ошди бакарди. Сурхондарь областининг колхозлари ва совхозлари планда кўзда тутилганга қисбатан икки ҳисса кўп беда талқони тайёрладилар.

(УзТАГ)

**Дехқон бўлмади  
шудгор қилди**

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 20 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи ступ — областлар; иккинчи ступ — ҳайвонлар майдон (минг гектар ҳисобда); учинчи ступ — аластининг бажарилиш проценти.

Сирдарё	165,7	61,4
Тошкент	116,6	53,7
Наманган	54,7	38,1
Самарқанд	39,1	16,3
Андижон	33,8	17,4
Фарғона	17,4	12,7
ҚА АССР	15,8	34,1
Бухоро	11,6	6,4
Қашқадарь	9,5	7,1
Сурхондарь	8,2	5,9
Хоразм	5,2	43,7
Республика буйича:	477,6	27,9

**ЮКСАК МАРРА  
ЭГАЛЛАНДИ**

**ДАВЛАТ ХИРМОНИГА** 4.600.000 тоннадан зиёд «оқ олтин» топириди. Тўқтинчи беш йилнинг энг муҳим ваифақатида пахта етиштириши 5 миллион тоннага етказилди янги марра эгалланди.

**М. МУСАХОНОВ,** Ўзбекистон КП Тошкент об- ластининг биринчи секретари

Пахтакорлар эришган галаба СССР ташиқ етилганлигининг 50 йиллиги шарафига кенг авж олдириб юборилган умумхалқ социалистик мусобақасининг натижаси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртак Л. И. Брежнев қатнашган пахтакор республикалар партия-хўжалик ваифақатининг таъсирдорлигини амалга ошириш ифодаси, пахта учун курашда қатнашган ҳар бир кишининг ҳосил тақдирини унмунг масъулиятини ҳис эттириш намунаси бўлди.

Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчилари — СССР Олий Советининг депутаты Э. Алиев, КПСС XXIV съезди делегати А. Сулаймонов, машина терими усталаридан С. Чачи, А. Орзулов, Н. Уруновларнинг қаҳрига бутун мамлакат бўйлаб янгради, уларнинг ташаббусини КПСС Марказий Комитети маъқуллади. Ҳар бир терим машинасининг иш унумини наминада 100 тоннага етказиш, жами ҳосилни кўп мехнатини сира ишламасдан машиналарда барвақт териб олишдан иборат бу ташаббусга миң-миңлаб механикаторлар қўшилдилар. Техникадан юксак унум билан фойдаланиш мусобақаси кенг авж олиб кетди. Бу мусобақа ақоиб самаралар берди. Областининг «зангори кема» капитанларидан 500 кишининг ҳар бири 100 тоннадан пахта териб берди. Ташаббускор «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида эса ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 140 тоннадан пахта терилди.

Корхоналари ҳам пландан ташқари кўплаб минерал ўғитлар ва захарли химикатлар етказиб бердилар.

